Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

● 2011-yil, 6-oktabr. Payshanba ● 120 (31.396) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

# Мамлакатимиз янги тарихини яратишнинг долзарб вазифалари

Шу йил 4 октябрь куни Ўзбекистон Фанлар академиясида «Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китоби ва мамлакатимиз янги тарихини яратишнинг долзарб вазифалари» мавзуидаги республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Конференция ишида ижтимоий-гуманитар фанлар, таълим ва тарбия соҳасида фаолият кўрсатаётган таниқли олимлар, педагоглар, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, кенг зиёлилар жамоатчилиги вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги байрами арафасида мазкур китобнинг нашр этилиши мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлгани, халқимиз ўртасида ва халқаро маданий доираларда бу асар катта қизиқиш ва эътибор билан ўрганилаётгани таъкидланди. Эл-юртимизнинг ана шу тарихан қисқа даврда босиб ўтган ғоят мураккаб, айни вақтда шарафли тараққиёт йўли, бу йўлда қўлга киритилган, бугунги кунда дунё ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда тан олинаётган ютуқ ва марраларимизга қандай асосда, қандай оғир синов ва машаққатлар эвазига эришилганини англаш, уларнинг барчасини яхлит ҳолда, ички диалектик қонуниятлари, бор зиддият ва қарама-қаршиликлари билан тушуниб етишда бу китоб ишончли манба ва амалий қўлланма бўлиб хизмат қилиши аниқ мисоллар, назарий ва амалий хулосалар асосида кўрсатиб ўтилди.

Бўлиб ўтган қизғин фикр алмашувлар давомида ўзининг таркибий тузилиши, мавзу-мундарижаси, асосий ғояси, бошқа манбаларда деярли учрамайдиган тарихий ва таҳлилий материалларга бойлиги билан алоҳида ажралиб турадиган бу китобга кирган, бугунги кунда биз учун ноёб манбага айланган ҳужжатлар ўз вақтида халқимизни истиқлол йўлида, янги жамият, янги ҳаёт қуриш йўлида сафарбар этган бўлса, ҳозирги вақтда яна бир улуғ мақсадга — озод ва эркин ҳаётимизни қадрлаш, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий тафаккуримизни бойитиш ва юксалтиришга хизмат қилаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Бу фундаментал асар ўзининг чуқур маъно-мазмуни, юртимизда истиқлолга эришиш, янги демократик жамият қуриш йўлидаги кўплаб саволларга аниқ жавоб бериши билан келажакка қаратилган қомусий асар экани қайд этилди.

Мустақиллигимиз тарихини ўрганиш ва яратиш борасида ғоят муҳим ва қимматли манба бўлган ушбу китобни жамиятимиз ижтимоий тафаккурини юксалтириш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда теран тадқиқ этиш, илмий истеъмолга киритиш, энг асосийси, унда баён этилган ғоя ва қарашларни 2010 йили Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш масаласи конференция дастурининг асосий мавзуларидан бири бўлди.

Ўзбекистоннинг истиқлол арафасидаги чуқур инқироз ҳолати ва бу инқироздан чиқиш йўлидаги изчил ҳаракатлар, юртимизда сиёсий-ижтимоий ислоҳотлар назариясининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари, мустақилликка эришишнинг сиёсий-ҳуқуқий заминининг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлардан сиёсий мустақиллик сари ташланган дадил қадамлар, тарихда шахснинг ўрни ва маънавий жасорат феномени, янги авлод кадрларини тайёрлаш концепциясига асос солиниши, миллий ўзликни англаш, маънавий тикланиш жараёнларининг назарий ва амалий пойдевори, китобни таълим тизимида ўрганишнинг долзарб масалалари ҳамда унинг ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган маърузалар ҳам конференция иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Анжуманда «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобининг энг муҳим икки жиҳатига алоҳида эътибор қаратилди.

Биринчидан, бу китоб истиқлол тарихимизнинг шу вақтга қадар атрофлича ёритилмаган саҳифаларини ҳар томонлама чуқур исботланган, рад этиб бўлмайдиган аниқ тарихий ҳужжатлар асосида очиб беради ва шу тариқа ҳозирги вақтда турли уйдирмаларни усталик билан ишлатиб, бу бўшлиқни ғаразли мақсадларда тўлдиришга, шу масалада кимларнингдир режа ва буюртмаларини бажаришга, биз бошимиздан кечирган тарихий воқеаларни бузиб талқин этишга қаратилган уринишларга ҳеч қандай имкон қолдирмайди.

Маълумки, ўша йиллардаги воқеа-ҳодисаларни ўз кўзи билан кўрган, уларга гувоҳ бўлган одамларнинг сафи бугунги кунда тобора камайиб бормоқда, униб-ўсиб келаётган ёш авлод эса бу тарихдан етарли даражада хабардор эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, китобнинг иккинчи муҳим жиҳати шундаки, у ўша суронли йилларнинг энг ишончли ҳужжати сифатида вақт ўтиши билан унутилиб, йўқолиб кетиши мумкин бўлган ноёб маълумот ва манбаларни тиклаб, истиқлол тарихимизни сохталаштиришга йўл қўймасдан, уни ҳаққоний асосда яратиш, бугунги ва келгуси авлодларнинг уни чуқур ўрганиб, англаб етишлари учун мустаҳкам замин яратади.

Конференция ишида «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини чуқур илмий-методологик жиҳатдан ўрганиш ва шу асосда Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш борасидаги илмий мезон ва ёндашувларни қайта кўриб чиқиш, ижтимоий-гуманитар фанларни ривожлантириш, асарнинг туб моҳиятини кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар онгига етказиш бўйича долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

**(ЎзА)**

Фракция фаолияти







Муродбек ЗИЁ олган суратлар.

# Қонун лойиҳалари

*уларда электорат манфаати акс этади*

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзХДП фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда, «Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасига кўра, Жиноят-процессуал, Фуқаролик, Оила кодексларига, шунингдек, «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги, «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги, «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги ва бошқа қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган.

**Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:*

— «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишдан мақсад — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги замонавий талабларга жавоб бермайдиган меъёрларни қайта кўриб чиқиш ва бекор қилишдан иборат. Қонун лойиҳасини тайёрлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий қўлланма амалиёти танқидий ўрганилди. Ривожланган мамлакатлар қонунлари, ўзимизда тўпланган тажриба, манфаатдор идоралар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фикр ва таклифлари инобатга олиниб, соҳа ривожи учун қўшимча имкониятлар яратилмоқда.

**Гулноза ЭРНАЗАРОВА,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:*

— «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштиришни назарда тутади ва унга кўра, мавжуд халқ таълими бўлимлари ўрнида халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва такомиллаштириш туман ва шаҳар бўлимлари ташкил этилмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси билан туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг фақат номигина эмас, балки бу ваколатли органнинг маъно-моҳияти, фаолияти ва вазифаси ҳам ўзгармоқда.

*(Давоми 2-бетда.)*

Эътироф

**Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини томоша қилдим. У ерлардаги замонавий бино ва иншоотлар, тарихий обидалар билан танишиб, ўзимни ўхшаши йўқ гўзаллик оламига тушиб қолгандек ҳис этдим.**

**Айни кунда Хива шаҳридаги «Арқончи» меҳмонхонасида яшаб турибмиз. Бу ерда бизга юқори даражали хизмат кўрсатилмоқда. «Тухум барак», «Швит оши», «Гумма» сингари миллий таомларингиз менга жуда ёқди. Ошпазлардан уларни пишириш сирларини билиб олдим. Юртимизга боргач, мен ҳам шундай таомлар тайёрлашга ҳаракат қиламан».**

**Ева РАСИКОВА,**
***(Словакия).***

Спорт

# Навбатдаги йирик ғалаба

Пойтахтимизда ўсмирлар ўртасида футбол бўйича Осиё чемпионати «С» гуруҳи саралаш учрашувлари давом этмоқда.



⇨ 4

Кеча мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси иккинчи учрашувини ўтказди. Ҳиндистон футболчиларига қарши кечган қизиқарли баҳсда ҳам йирик ҳисоб қайд этилди. Унда Дилшод Нуралиев бош мураббийлик қилаётган ўсмирларимиз рақиблари дарвозасига жавобсиз тўққизта гол уришди — 9:0.

Эслатиб ўтамиз, илк учрашувда вакилларимиз қирғизистонлик тенгдошларини мағлуб этишганди — 7:0.

Истиқлол имкониятлари

# Меҳр нуридан яшнаётган, яшараётган Наманган

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Наманган ва Андижон вилоятлари бўйлаб сафари мазкур вилоятларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан танишуви ва бу жараёнда вилоят аҳли вакиллари билан бўлиб ўтган самимий суҳбатлари халқимиз онг-шуурига ўчмас бўлиб муҳрланди. Бугун ким билан юзлашманг ушбу ташриф таассуротлари ҳақида тўлқинланиб сўз очади.




Нманган вилоятидаги бугунги ўзгариш ва янгиликлар, беқиёс бунёдкорликларни кўрган киши, истиқлолнинг ўтган йигирма йили азалий орзулар рўёбга чиққан йиллар бўлганига имон келтиради. Вилоятнинг қайси бир шаҳар ёки қишлоғига борманг, одамлар кўнглида эртанги кунга ишонч, катта бунёдкорлик ишларига сафарбарлик, яратувчанлик завқи, айни пайтда хотиржамликни ҳис этасиз.

Бундан 20 йил олдин бугунги фаровонликни тасаввур қилиш қийин эди. Туғма ҳунармандлик салоҳиятига эга наманганликларнинг кўнглидаги изтиробли оғриқларга истиқлол, яна дангалроқ айтганда истиқлол меъмори — Ислом Каримов малҳам қўйди.

— Мен ота-боболарим орзу қилган даврда яшашга давру даврон суришга муяссар бўлган ҳунармандларнинг бириман, — дейди 65 ёшли **Маҳмуджон Нуриддинов**. — Пичоқчилар сулоласининг учинчи авлоди сифатида оғир кунларни ҳам бошимдан кечирдим. Ҳунармандчиликнинг бу турини шўролар даврида «совуқ қурол ясовчилари» деб аташарди.

*(Давоми 3-бетда.)*

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!



Обуна индекси — 220

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Концепция ўз бурчимизга янгича ёндашувни, янгича ишлашни талаб этмоқда

# Депутатлик гуруҳлари

## улар бугунги кун талаби даражасида фаолият кўрсатиши керак

**Президентимиз томонидан тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да илгари сурилган янги ғоялар, тараққиёт йўналишлари, уларнинг тарғиботи ва амалиётига бағишлаб «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти ҳамда Хоразм вилоят партия кенгаши давра суҳбати ташкил этди.**

Давра суҳбатида маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, партия етакчилари иштирок этди. Унда: «Концепция зиммангизга қандай вазифалар юклайди? Депутатлик гуруҳлари унга қўйилган талаблар даражасида фаолият олиб бораяптими? Депутатлар фаолиятини янада кучайтиришнинг қандай таъсирчан ва самарали омиллари бор? Ўз фаолиятингиздан қониқаяпсизми? Бошқа сиёсий партиялар билан ҳақиқий рақобатга киришиш учун ўзингизни тайёр деб ҳисоблайсизми?» — деган кўпдан-кўп саволлар устида фикр-мулоҳаза юритилди.

**Раимберган САБУРОВ,**
*вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:*

— Концепция партиямиз аъзолари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз учун том маънода дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Концепцияни ўрганиш жараёнида биз бир масалага алоҳида эътибор қаратдик. Агар одамлар бу муҳим ҳужжатда белгиланган вазифалар аҳамиятини қанчалик чуқур тушунса, унинг ижросини таъминлаш шунчалик самарали бўлади.

Концепцияни партия аъзолари ва электорат орасида тарғиб қилишда таъсирчан усуллар ва замонавий сиёсий технологиялардан фойдаланиляпти. Концепция тарғиботига бағишланган тадбирлар партия фаоллари, депутатлар, сиёсатшунос ва ҳуқуқшунослар иштирокида олиб бориляпти. Шуни ҳам айтиш керакки, бу ишлар изчил давом этмоқда. Концепцияда илгари сурилган ғоялар, билдирилган таклифлар сиёсий партияларга, депутатларга катта ваколатлар беради ва айни чоғда юксак масъулият ҳам юклайди. Бундан ҳар биримиз тегишли хулоса чиқариб олмоғимиз зарур.

**Олтибой РАЖАБОВ,**
*халқ депутатлари Қўшкўпир туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:*

— Кейинги пайтларда депутатларимиз туман Кенгаши сессиялари ва доимий комиссияларда, жамоатчилик ишларида дадиллик кўрсатмоқда. Туман фаолларининг ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилишида ҳокимнинг биринчи ўринбосари депутатлар саволларига жавоб беролмай мушкул аҳволда қолди. Ўз фаолиятига доир саволларнинг айримларига аниқ жавоб беролмади. Фаоллар йиғилишида унга ўз ваколатига бевосита тегишли соҳалардаги камчиликларни тузатиб олиши учун муддат берилди. Президентимиз тақдим этган Концепцияда таъкидланган давр талабига мос жамоатчилик назорати шу эмасми?!

Концепцияни ўқиб, ўрганиб, мен ўзимга бир хулоса чиқариб олдим. Биз депутатлар қанчалик ташаббускор ва қатъиятли бўлсак, электорат манфаати шунчалик самарали ҳимоя этилади, ҳудудларни ривожлантириш ишлари юксалади. Кейинги пайтларда аниқ, амалий ишлар билан шуғулланишга ўтдик. Аммо фаолиятимизга танқидий баҳо бериб, ишимиз таъсирчанлигини ошириш устида ўйлашимиз керак. Ҳамма депутатларимиз ҳам фаол деб айта олмайман.

**Сотимбой РАҲИМОВ,**
*халқ депутатлари Хонқа туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:*

— Биз ташаббус кўрсатиб, Хонқа шаҳарчаси ва қишлоқларда тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш масаласини туман Кенгаши сессиясига киритдик. Масала атрофлича муҳокама этилгач, тегишли қарор қабул қилинди. Соҳадаги ишлар бирмунча ўнгланди. Навхос ва Амударё қишлоқлари аҳолисининг тоза ичимлик суви таъминоти яхшиланди. Шундай бўлса-да, «Туямўйин — Урганч» минтақалараро сув қувурлари бошқармаси туман бўлими олиб бораётган ишларни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Шу сабабли ҳозир мониторинг ўтказилмоқда. Айни пайтда «Намуна» қишлоғи аҳлини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш депутатлар назоратига олинган.








Шу йил май ойида туман Кенгашидаги аграр ва сув хўжалиги ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари доимий комиссияси йиғилишида «Қиркёп ва Навхос қишлоқларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг йўлга қўйилиши, аҳоли ўртасида санитария-гигиена қоидаларига риоя қилишда қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари олиб бораётган ишлар тўғрисида»ги масала муҳокама этилди. Унда депутатлар Замира Бекчанова билан Қуронбой Ёқубовнинг ахбороти эшитилди. Йиғилишда барча қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари бу борада ўз фаолиятини янада кучайтириши зарурлиги қайд этилди. Шундан сўнг тармоқда ишлар анча силжиди.

Гуруҳимиз аъзолари «Хонқа туманида ҳудудий инвестициялар дастури ҳисобига бандлик даражасини ошириш борасидаги амалий ҳаракатлар тўғрисида»ги масалани ҳам туман Кенгаши сессияси кун тартибига киритди. Масала муҳокама этилиб, қўллаб-қувватланди. Бу яхши, албатта. Аммо унинг ижросини таъминлаш биздан назорат талаб қилади.

Бу ерда «Ўз фаолиятингиздан қониқаяпсизми?» деган савол ҳам кўтарилди. Депутат вазифаси, бурчи ва масъулиятидан келиб чиқиб фикр юритсак, бироргамиз ҳам ишимиздан қониқамиз деб айтолмаймиз. Чунки бугунги кун талаби даражасида ишлаётганимиз йўқ. Бизни одамлар сайлаган, улар бизга ишонч билдирган. Асосий вазифамиз — уларнинг ишончини оқлаш. Бунинг учун беҳаловат бўлиб, югуриб-елиш керак бўлади. Ҳар бир депутат ўз фаолиятига танқидий баҳо бериб, ўйлаб кўрсин, зиммасига нима юклатилган-у, у нималар қилишга улгурди? Ҳар ким ўзига тегишли хулоса чиқариб олиши керак.

**Раҳима МАШАРИПОВА,**
*халқ депутатлари Янгиариқ туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:*

— Туманимиз аграр соҳага ихтисослашган. Саноат корхоналари нисбатан кам. Бу эса қишлоқ жойларда яшайдиган электоратимизни доимий иш билан таъминлаш масаласи долзарблигича қолишига сабаб бўлмоқда. Бироқ бу муаммо ечими бўйича бирорта ҳам амалий таклиф билан чиққанимиз йўқ. Депутатлик гуруҳимиз «Туманда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ўзлари эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштирилишини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида»ги масалани туман Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритишни режалаштирган. Буни амалга ошириш учун имконият яратиш керак, албатта. Назаримда, хомашёни қайта ишлайдиган кичик корхоналар яратиш масаласини ўрганиб, таклиф беришимиз керак.

**Олтибой РАЖАБОВ:**

— Бу масала бўйича бизнинг туманда ҳам мониторинг олиб борилмоқда. Ўтган йилларда йўл қўйилган камчиликлар қайта такрорланмаслиги учун ҳар бир депутат масалага ўзини масъул деб билиши керак. Коллеж битирувчилари биримизнинг ўғлимиз, биримизнинг қизимиз. Уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдам бериш вазифамиз. Ишсиз қолган ҳар бир битирувчининг нафақат ўзи, балки ота-онаси ташвишини ҳам кўз ўнгимизга келтирайлик.

**Икром ЮСУПОВ,**
*халқ депутатлари Боғот туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:*

— Биз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан тизимли ҳамкорлик ўрнатганмиз. Бу эса жойларда электорат вакилларини ўйлантираётган масалаларни ҳал қилишда, мавжуд камчиликлар ечими бўйича жамоатчилик таклифларини ўрганишда қўл келмоқда. Депутатлик гуруҳимизнинг алоҳида ташаббуслари билан қатор ташкилотлар ҳамкорликда меҳнат ярмаркалари ўтказиб келмоқда. Бу тадбир юзлаб касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, вақтинча ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш имконини бермоқда.

Туманимиздаги касб-ҳунар коллежларини бу йил 1916 нафар йигит-қиз битказди. Уларнинг аксарияти ишга жойлашиш бўйича шартнома тузган. Аммо биз ўтказган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, шартномаларнинг ҳаммаси ҳам кучга кирган эмас. Айрим иш берувчилар меҳнатга оид қонунлар талабини тўла бажармаяпти. Шу боис, тумандаги барча коллеж битирувчиларининг иш билан бандлиги ҳолати доимий комиссия йиғилишида кўриб чиқилди. Йўл қўйилган хато ва камчиликлар тегишли идора ва ташкилотлар раҳбарларига кўрсатиб берилди. Ўйлайманки, бунинг самараси бўлади.

Энди депутатлик бурчи ҳақида гапирадиган бўлсак, тўғрисини айтиш керак, депутатларимиз фаолиятида камчилик ва нуқсонлар кўп. Энг ёмони, депутатларимиз орасида ўз бурчига масъулиятсиз қараётганлари ҳам бор. Бундайлар йиғилишларда қатнашиш билан чекланиб қолмоқда. «Ҳозир депутатман, кейинги сайловда бир гап бўлар», деб ўйлайдиган бундай депутатлар партиямизга одамлар ишончини сусайтиради. Айтмоқчиманки, масъулиятсиз, ўз бурчига совуққон депутатларга нисбатан таъсирчан чоралар қўллаш керак.

**Ўғилжон ОЛЛАБЕРГАНОВА,**
*халқ депутатлари Гурлан туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:*

— Яхши масала кўтарилди. Ҳар бир соҳа бўйича олиб борилаётган дастурий ишлар назоратини депутатларга вазифа қилиб юклаш зарур. Назорат қилмадими, ўз вазифасига бефарқми, бас, шу депутатнинг ваколати масаласи кўриб чиқилиши керак. Шундагина ҳар бир депутат масъулият сезади. Бўлмаса, депутатликни ўзининг доимий иш вазифасидан кейинги иккинчи ва ҳатто энг сўнгги ишим деб ўйлаб юраверади. Бунга тоқат қилиб бўлмайди.

Туман Кенгашида ўн уч нафар депутатимиз бор. Бир қараганда, катта куч. Аммо, айрим принципиал масалалар ечимида ожиз томонларимиз билиниб қолади. «Мен сенга тегмайман, сен менга тегма!» — қабилида иш тутиш, атрофдаги воқеаларга бефарқ бўлиш панд беради. Бундай усулда ишлайдиган замонлар ўтди. Юрт тақдирига, кишилар тақдирига ҳар биримиз масъулмиз. Шу маънода, Концепция иш столимиз устида доимо бўлиши, ҳар бир ҳаракатимизни шундан келиб чиқиб белгилашимиз лозим.

Кенгаш сессиясига ўтган даврда фақат битта — ёшларни иш билан таъминлаш масаласини киритдик. Бу — кам, албатта. Ҳали ишимизда камчиликлар кўп, икки йилда бир масала киритиш билан чекланиб қолсак, сайловчиларимизга нима деб жавоб берамиз...

**Шарифбой ЮСУПОВ,**
*халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:*

— Тўғри таъкидладингиз. Замон талаби, Юртбошимиз олдимизга қўйган вазифалар ғоят кенг ва масъулиятли. Ҳар бир партия аъзоси, ҳар бир депутат ўзига ўзи: «Мен замон талаблари даражасида ишлаяпманми?» — деган саволни берадиган вақт келди. Кимки шу талаб даражасида ишламас экан, ўз ўрнини ёниб ишлайдиган ёшларга бўшатиб бериши керак!

**Раимберган САБУРОВ:**

— Шуни ўзгалардан талаб қилишдан олдин, ўз фаолиятимизни бир муҳокама қилайлик. Ҳар бир депутат ўйлаб кўрсин, ўтган икки йил давомида нима иш қилди, сайловчилар ишончини оқладими, сессияларда бирон-бир масалани кўтариб чиқдими? Умуман, ташаббус кўрсатдими? Ёки сессияга рўйхатдан ўтиш учун келиб, жимгина ўтириб кетдими? Сиз депутатлик гуруҳи раҳбари сифатида, аввало, шуни мониторинг қилсангиз, ишонаманки, бунинг таъсири бўлади, депутатларимизга туртки бўлади. Акс ҳолда, умумий гаплардан, бетайин танқид ва таъкидлардан нарига ўта олмаймиз.

**Олтибой РАЖАБОВ:**

— Партиялараро рақобат, сиёсий баҳс принципиал кўринишга эга бўлиши лозим. Матбуотдаги бугунги баҳс-мунозараларнинг аксарияти бир-биридан айб ахтариш тусини олмоқда. Бошқа бир партия нашри қайсидир тумандаги партиямиз фаолияти, депутатларимиз иш усули ҳақида танқидий чиқиш қилса ва ундаги факт-рақамлар ҳаққоний бўлса, уларга раҳмат айтиш керак. Чунки танқид келажак меваси дейдилар. Лекин юзаки, асоссиз айбловлар ҳеч кимга обрў келтирмайди. Айрим сиёсий партиялар нашрларида «партиялараро баҳс» сифатида чоп этилаётган мақолалар ўта юзаки ва бачканалигини оддий одамлар ҳам айтмоқда. Баҳс амалий бўлса, фойдаси тегади. Электоратимиз манфаатига зид бўлган фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя билан чиқиш керак. Ҳар бир масалада партиямизнинг ўз позицияси бўлиши зарур.

Айтмоқчиманки, бошқа сиёсий партиялар билан ҳақиқий рақобатга киришиш учун аввало ҳар бир партия аъзоси, депутат шунга тайёр бўлиши керак. Бунинг учун депутат ҳам, партия етакчиси ва фаоли ҳам кўп ўқиши, ўрганиши керак бўлади.

**Шоҳназар ҚЎЧҚОРОВ,**
*Ҳазорасп туман партия кенгаши раиси:*

— Президентимиз илгари сурган Концепциянинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик орасида тарғиб-ташвиқ қилиш учун тажрибали ва обрўли фаолларимиздан иборат йигирма битта гуруҳ туздик. Ўтган даврда бу гуруҳлар бормаган корхона ва ташкилот, қишлоқ ва маҳалла қолмади ҳисоб. Бу борада муайян натижага эришдик. Аммо депутатларимиз фаоллиги масаласи бизни ҳам ўйлантириб келади. Бу борада оқсоқлик бор. Ҳозир катта маънода уйғониш, янгиланиш ҳақида гап бўляпти. Бу — мудрамаслик, доимо сергак бўлиш керак дегани. Доимо сергак одамнинг иши унумли бўлади. Сохта обрў талашиш эмас, иш талашиш керак!

**Раимберган САБУРОВ:**

— Бугунги давра суҳбатида партия кенгашлари, депутатлик гуруҳлари олдида турган, партиямиз электорати манфаатларини ифода қилиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш йўлида олиб бораётган ишларимизни имкон қадар таҳлил қилиб, вазифалар ҳақида яна бир бора тўхталдик. Келгуси режаларимизга ойдинлик киритдик, эътибор қаратишимиз лозим бўлган йўналишларни белгиладик.

Юртбошимиз илгари сурган Концепцияда сиёсий партиялар, депутатлик бирлашмалари ваколатлари кенгайтирилиб, улар зиммасига ислоҳотлар жараёнига масъуллик вазифаси юкланган. Шундан келиб чиқиб, депутатлар масъуллигини ошириш, уларнинг сайлов округларидаги фаолиятини такомиллаштириш, электорат манфаатларини ифодалаш йўлидаги амалий ишлари янада самарали бўлиши устида доимий изланиш лозим бўлади.

**Давра суҳбатини «Ўзбекистон овози» мухбирлари Абдулла СОБИРОВ ва Рўзимбой ҲАСАН ёзиб олди.**

# Тўққиз ойлик якунлари таҳлили

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари Комплексининг 2011 йилнинг 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва соҳаларда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар таҳлилига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифалар ижросининг таъминланиши, жумладан, соҳаларда 2011 йил учун белгиланган иқтисодий кўрсаткичларнинг, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, инновация ва инвестиция лойиҳаларининг бажарилиши, маҳаллий ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турларини, экспортбоп маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар самарадорлиги муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг 9 ойида Комплекс бўйича жами 2 триллион 324 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Ўсиш суръати 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 121,6 фоизни ташкил этди. Аҳолига 1 триллион 142 миллиард сўм (121,1 фоиз) пуллик хизматлар кўрсатилди. Комплекс соҳаларига 214,9 миллион АҚШ долларилик инвестициялар жалб қилиниб, белгиланган кўрсаткичлар 223 фоизга бажарилди. Экспорт прогнози кўрсаткичлари 161 фоизни ташкил этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилишининг бориши, комплекс таркибига кирувчи вазирлик, идораларда ижро интизомининг аҳволи атрофлича таҳлил қилиниб, бу борада амалга оширилаётган ишларни такомиллаштириш юзасидан тегишли вазифалар белгиланди.

Мажлисда мамлакатимиз касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, болалар учун спорт иншоотлари, сузиш ҳавзалари, мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш бўйича амалга оширилган ишлар самарадорлиги, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда корхона, ташкилотларнинг куз-қиш мавсумига тайёргарлиги ҳолати, архив ишини такомиллаштириш ва марказий давлат архивларини реконструкция, модернизация қилишга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Шунингдек, йиғилишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, вазирлик ва идоралар матбуот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг расмий веб-сайтлари орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, аҳолига ахборот бериш ва интерактив хизматлари кўрсатишни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган устувор вазифалар ижросини оғишмай амалга ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгилаб олинди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА)**

# Қонун лойиҳалари

## уларда электорат манфаати акс этади



*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Эндиликда, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари идоравий мансублигидан ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар томонидан давлат таълим стандартларига риоя этиш юзасидан мониторингни амалга оширади. Бундан ташқари, мазкур тузилма халқ таълими муассасалари моддий-техник базасини янада яхшилаш, ўқув ускуналаридан самарали фойдаланишни таъминлаш, болалар ва ўсмирларни ҳуқуқий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларни касбга йўналтириш, ногирон ва вақтинча мактабга қатнай олмайдиган болаларни ўқитишнинг янги педагогик технологияларга асосланган услубларини жорий этилишига кўмаклашиш каби вазифаларни ижро этади.

«Интеллектуал мулк тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорига биноан ишлаб чиқилди.

**Шухрат ТУРСУНБОЕВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:*

— Шу кунгача фаолият юритган Давлат патент идораси ҳамда Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлигининг асосий вазифаси интеллектуал мулкни ҳимоя қилишдан иборат бўлган.

Президент қароридан келиб чиққан ҳолда Давлат патент идораси ҳамда Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги негизида Интеллектуал мулк агентлиги ташкил этилди. Буни соҳада амалга оширилаётган долзарб масалалардан бири деб билишимиз лозим. Лойиҳанинг қабул қилиниши интеллектуал мулк соҳасидаги қоида ва атамаларни унификациялаш ва бир хилда қўлланилишини, юридик ва жисмоний шахсларнинг ортиқча молиявий харажатлардан халос бўлишини, интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари кенгайишини таъминлайди.

Муҳокама этилган қонун лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон ХДП фракциясининг позицияси белгилаб олинди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

O'ZBEKISTON OVOZI
2011-yil, 6-oktabr. Payshanba



Истиқлол имкониятлари

# Меҳр нуридан яшнаётган, яшараётган Наманган

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Кўз ўнгимдан сира кетмайди, 1957 йили отам уста Нуриддин бир парча пўлатни ўтга тоблаб, ишлов бераётганида миллий қадриятларимиздан умуман бехабар, марказдан молия бўлимига комиссия бўлиб келган одам отамга дағдаға қилганди. Ўшанда отам қўрқиб кетганидан қизиган пўлатни қўллари билан ушлаб, яширмоқчи бўлди. У кишининг қўллари куйиб, умрининг охиригача бунинг азобини тортганини эсласам, ҳамон кўзимга ёш келади. Бобомерос ҳунарга садоқат ибратини отамдан ўргандим. Ўша даврларда маҳаллий раҳбарларнинг хуфия буюртмаси билан совғабоп, жимжима безакли пичоқларни яширинча ясардик. Неча марта уйимизда тинтув ўтказилган. Бозорларнинг бир чеккаларида савдо қилаётганимизни пайқаб қолишса қувғин қилишарди.

Беадад шукурки, эмин-эркин кунларга эришдик. «Чорсу» деҳқон бозорида ташкил этилган «Касаначилар уюшмаси»га аъзоман. Шу кунгача ҳунаримни ардоқлаб келмоқдаман. Буюртма асосидаги маҳсулотларимиз Европа ва уммонорти ҳудудларигача етиб бормоқда. 14 йилдирки, даромад солиғидан озодмиз. Ҳунармандчилик ортидан нафақат рўзғор юритяпман, балки катта маънавий рағбатга сазовор бўлмоқдаман.

Қадим-қадимдан Буюк ипак йўлида жойлашган Наманганда халқ ҳунармандчилиги ривожланган. Ушбу ҳудудда бу йўналиш ўзининг қадим илдизларига эга.

Бугун Наманган саноатининг гурраниб юксалаётганида ҳам ана шу илдизларнинг таъсир қуввати бор. Давлатимиз раҳбари Наманган туманидаги «Истиқлол» ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти билан танишди.



**Президентимиз «Баркамол авлод» спорт мажмуасида бўлиб, спортнинг 14 тури бўйича халқаро доирадаги спорт мусобақаларида қатнашиш ва муваффақият қозониш учун тайёргарлик кўриш имконига эга бу иншоотда наманганлик ёш спортчилар билан мулоқот ўтказди.**



Туманнинг Қумқўрғон қишлоғида фаолият кўрсатаётган мазкур корхонада замонавий технология асосида ўнлаб турдаги костюмлар, куртка, пальтолар тикилмоқда.

Йилига 85 минг дона тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга корхонага «Ташаббус — 2011» кўрик-танловининг «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича мамлакат босқичи ғолиби **Бахтиёр Умаров** раҳбарлик қилмоқда.

— 2010 йилда 1 миллиард 235 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, — дейди корхона раҳбари, — унинг асосий қисмини Россия, Қозоғистон ва МДҲнинг бошқа давлатларига экспорт қилдик. Буюртмачиларимиз сони ортиб бормоқда. Президентимизнинг корхонамизда бўлиб, ишчиларимиз билан дилдан суҳбатлашгани биз учун унутилмас воқеа бўлди, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди. Ўзимизга янада ишонч билан қарашга, янада катта ниятлар билан ишлашга ундади.

Вилоятда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида 1300 дан зиёд кичик корхона ташкил этилди. «Ифтихор кийим саноати», «Замин люкс текстиль», «Текстиль либос» «Люкс плюс сервис» каби ўттиздан зиёд корхонада ишлаб чиқарилаётган кийим-кечакларга ташқи бозорда ҳам талаб юқори.

— Юртбошимизнинг унутилмас бу ташрифи вилоят саноати тараққиётини янги босқичга кўтариши шубҳасиз, — дейди «Ифтихор кийим саноати» корхонаси раҳбари **Анна Добрих**. — У кишининг Наманганда тайёрланаётган, хориж бозорларида ҳам дадил рақобатга киришаётган замонавий костюмларга юқори баҳо бергани бизни жуда-жуда руҳлантириб юборди.

**Давлатимиз раҳбари бежизга бу галги ташрифини Наманган тумани қишлоқларидан бошламади. 2009 йилнинг августидаги ҳамда 2010 йилнинг сентябридаги қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш ва уй-жойларни лойиҳалаштиришни янада такомиллаштиришга доир қарорлар асосида ўтган йили 500 та замонавий турар-жой барпо этилган бўлса, жорий йилда намунавий лойиҳадаги 206 та янги турар-жой фойдаланишга топширилди. 300 дан зиёд янги уй-жой қурилиши эса жадал давом этмоқда. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги байрами арафасида айнан Наманган туманининг «Хонобод» қишлоғида 60 оила замонавий уйларга кўчиб кириб, ҳовли тўйларини нишонлади.**

— Хонадонимизга Президентимизнинг ташриф буюришидан бошимиз кўкка етди, қалбларимиз фахр-ифтихорга тўлди. Мана шу инсоннинг меҳр-эътиборидан қишлоқ аҳли замонавий уйларга эга бўлди. Бундай ғамхўрликнинг қадрига етишимиз керак.

Тумандаги «Барака» фермер хўжалигининг довруғи тўрт йилдирки, бутун вилоятда овоза. Узоқ йиллар буғдой ва маккажўхори уруғчилиги бўйича тажриба хўжалигига бошчилик қилган Ботиржон Исаевнинг деҳқончилик усулларидан кўпчилик фермерлар фойдаланиб келишади. У фарзандларини ҳам ерга меҳрли, аниқ ҳисоб-китоб билан фаолият юритишга ўргатган экан.

Президентимиз ташриф буюрган мазкур фермер хўжалигига моҳир деҳқоннинг ўғли **Олимжон Исаев** раҳбарлик қилади.

— Отамнинг «Фақат ерга эмас, ер билан ишловчиларга ҳам эътибор керак, меҳр керак. Уларга шароит яратиб бермасдан туриб, барака топмайсан», деган гапларига ҳамиша амал қиламан, — дейди фермер хўжалиги бошлиғи. — Президентимизга кимёвий ўғитлардан кўра ўз биолабораториямизда етиштирилаётган биомаҳсулотлардан кўпроқ фойдаланаётганимиз ғоят маъқул келди.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2009 йил июль ойидаги ташрифидан сўнг, аниқроғи, ўша йили августда қабул қилинган Наманган шаҳрини 2009 — 2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга оид чора-тадбирлар дастури тўғрисидаги қарори асосида олиб борилаётган улкан бунёдкорликлар натижасида шаҳар қиёфаси батамом ўзгариб кетди. Вилоятнинг ҳаво дарвозаси — Наманган аэропорти ҳудуди шундай обод қиёфага кирдики, ана шу кўрк-тароватга уйғун шаҳарнинг Дўстлик шоҳкўчасигача бўлган Фарғона ҳалқа йўли ҳам реконструкция қилинди. Шаҳар тароватини янада ёрқин намойиш этувчи йўл ўтказгич қурилди.

— Президентимизнинг бугунги ўзбек шаҳарсозлиги ҳақидаги таклифлари ҳар қандай мутахассисни ҳам лол қолдиради, — дейди **шаҳар бош меъмори Илҳомжон Исомиддинов.** — У киши Фарғона ҳалқа йўлидаги йўл ўтказгич кўпригини кўздан кечириб, шаҳар йўлларини бир-биридан фарқланиб туриши учун уларга ўзига хос ранглар бериш ҳақидаги тавсиялари йўлсозларни ҳам ҳайратда қолдирди. Бундай самимий мулоқот, ишонч ва эътибор учун жонингни фидо қилиб, яна ва яна ишлагинг келади.

— Президентимизнинг «Мен наманганликлардан хурсандман» деган гапини юзма-юз туриб эшитарканман, рости, вужудим жимирлаб кетди, — дейди **«Маҳалла» жамғармаси Наманган шаҳар бўлими раҳбари, шаҳар Кенгаши депутати Анваржон Насриддинов.** — Назаримда, боғбон ўз ҳосилининг мевасини кўриб хурсандлигини айтаётгандек эди. Ахир Наманганимизда қилинган катта-ю кичик ҳар бир ишнинг ташаббускори, даъваткори Юртбошимизнинг ўзлари-да.

— Севара Қодировага ҳавас қилиб, стол тенниси билан шуғуллана бошлаганимда ҳали столга бўйим етмасди, — дейди **Чуст педагогика коллежи талабаси Музайяна.** — Президентимизнинг спортга, айнан ёшлар спортига қаратган эътибори туфайли бугунга келиб 4 карра чемпионликка, 8 марта халқаро турнирлар ғолиблигига эришдим. Ҳар гал мусобақа майдонига тушарканман, албатта ғолиб бўлишим керак, деб ният қиламан. 30 сентябрь куни биз ёшлар учун барча шароитларни яратиб бераётган Президентимиз билан суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлдим.

Президентимиз «Баркамол авлод» спорт мажмуасида бўлиб, спортнинг 14 тури бўйича халқаро доирадаги спорт мусобақаларида қатнашиш ва муваффақият қозониш учун тайёргарлик кўриш имконига эга бу иншоотда наманганлик ёш спортчилар билан мулоқот ўтказди.

**Президентимизнинг 2009 йилги ташрифи натижаси — Наманган кўркига зийнат бўлган «Камолот боғи», Кичкинтойлар боғи, Хотира хиёбони, вилоят театри, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, кенг ва равон йўллар, янги уй-жойлар каби иншоотлар қаторида «Ёшлар маркази» ҳам алоҳида эътирофга лойиқ. Президентимиз замонавий жиҳозланган хоналардаги 16 турдаги тўгаракларда ўз билим ва иқтидорини юксалтираётган иқтидорли ёшлар билан мулоқот ўтказди.**

Юртбошимиз билан бевосита учрашув-мулоқотда иштирок этганларнинг бири **НамДУ қошидаги 2-академик лицей талабаси, марказнинг «Хорижий тилларни ўрганиш» тўгараги аъзоси Меҳриноз Аббосовадир.** У ўз таассуротларини шундай ифодалади:

— Ҳар бир инсон ўз умрининг қайсидир лаҳзаларини бир умр ёдда сақлайди. 2011 йилнинг 30 сентябри кўпчилик ҳамюртларим қатори менинг ҳам ҳаётимда ана шундай кун сифатида қолди. Шу куни бир гуруҳ иқтидорли тенгдошларим қатори Президентимиз Ислом Каримов билан юзма-юз учрашдим. У кишига янги ёзган шеъримни ва шу шеъримнинг инглиз тилидаги таржимасини ўқиб бердим. Катта эътибор ва меҳр билан эшитдилар.

Дунёнинг энг янги технологияларини муҳайё қилишга имконимиз бор, менга уларни ишлата оладиган, чин маънодаги эгалари керак. Ўзбекистонни дунёга янада ёрқин танитадиганлар сиз бўласиз. Мен сизлар билан фахрланаман, — деди Юртбошимиз.

Президентимизнинг учрашувдаги фикрларидан кейин завқу ҳаяжонимни шеърга солдим, — дейди Меҳриноз:

*Мана, мен ёшликман*
*Ҳеч олмасман тин,*
*Ватан бир корингга келар ярагим.*
*Менга бор дардингни айтишинг мумкин,*
*Бугун жуссамдан ҳам катта юрагим.*

*Бола эдим, елкалаб юргувчи отам*
*Кафтида авайлаб, суйиб ўстирди.*
*Йиқилсам, қўлимдан тутгувчи Ватан*
*Суянчиғим бўлиб, суяб ўстирди.*

*Бунда шамоллар ҳам майин елади,*
*Қайдан топгум бундай офтобистонни.*
*Энди менга суян, дегим келади,*
*Қучоғимга босиб Ўзбекистонни!*

Бугун наманганлик катта-ю кичик Президент ташрифи ҳаяжони ва масъулияти билан яшамоқда. Зотан, давлатимиз раҳбарининг мулоқотлардаги мамнуниятга йўғрилган фикр-мулоҳазалари, умумтараққиётга дахлдорлик ҳиссини қарор топтирувчи даъватлари юракларда жарангламоқда.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Хориж

## Тижорат сирлари ўғирланишидан

### кўрилган зарар аниқланади



АҚШ Мудофаа вазирлиги мамлакатдаги 16 та махсус хизмат идорасидан хорижий хакерлар томонидан компьютер технологиялари ёрдамида, яъни интернет тармоғи орқали керакли орган ва ташкилотлар компьютерларига кириб тижорат сирлари ўғирланиши оқибатида кўрилган реал зарарларни аниқлашни илтимос қилди. Баъзи тасдиқланмаган маълумотларга кўра, айнан хакерлар етказаётган иқтисодий зарарлар йилига юзлаб миллиард долларларни ташкил этмоқда, дея хабар беради «Washington Post» газетаси.

Компьютер бўйича мутахассисларнинг айтишларича, хакерлар мудофаа, энергетика, газ-нефть саноатига тегишли махфий ахборотларни ўғирлаб, мамлакатга улкан зарар етказмоқдалар. Экспертларнинг фикрича, мамлакат сирларининг ўғирланиши оқибатида миллий хавфсизликка ҳам путур етиши мумкин.

Хорижий хакерларнинг киберҳужумларидан бири яқинда кузатилди: «Тунги аждаҳо» номи билан АҚШнинг нефткимё ва газ саноатининг ўнлаб компаниялари компьютер тармоқларига троян киберҳужумлари уюштирилган.

## Ҳар беш кишидан бири

### муҳожир бўлиб чиқди



***Германия аҳолисининг 15,7 миллион нафари келиб чиқиши муҳожирлар оиласидан экан. Бу мамлакат умумий аҳолисининг бешдан бир қисмига тенг, дея хабар беради «Zeit» журнали 2010 йилги статистик манбаларга асосланиб. Аммо муҳожирларнинг ярмидан кўпи, яъни 8,6 миллиони немис фуқаролигини олган шахслардир.***

Муҳожирларнинг 70 фоизга яқинини Европа мамлакатларидан келиб қолган фуқаролар ташкил этади. Энг кўп муҳожирлар Туркиядан келган — 14,1 фоиз. Иккинчи ва учинчи ўринда Польша ва Россиядан кўчиб келган муҳожирлар туради — 10,5 ва 9,2 фоиз.

Шуни таъкидлаш жоизки, Германияда 1950 йилдан кейин мамлакатга яшаш учун кўчиб келган фуқаролар ва уларнинг авлодлари муҳожирлар ҳисобланади. Шу мезон билан қарайдиган бўлсак, бугунги кунда муҳожирларнинг учдан бир қисми Германияда туғилган, лекин муҳожирлик «мақоми»га эга фуқаролардир.

## Тез тиббий ёрдам ходимлари

### қурол олиб юриши мумкин



***Кемерово области губернатори Аман Тулеев маҳаллий қонунчилик кенгашига тез тиббий ёрдам хизмати ходимларини муҳофаза қилиш бўйича янги қонун яратиш юзасидан топшириқ берди, дея хабар тарқатди «Российская газета».***

Яратилажак янги қонун тез тиббий ёрдам хизмати ходимларига ёнида қурол олиб юриш имконини бериши лозим.

Кейинги пайтларда беморлар томонидан чақирилган тез тиббий ёрдам ходимларига жойларда уюштирилаётган ҳужумлар шундай чора қўллашга мажбур этмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 22 сентябрида ҳам худди шундай воқеа юз берган.

## Тўққизта қамоқхонада

### маҳбуслар очлик эълон қилди

***Калифорнияда 6 мингга яқин маҳбус ўтган ҳафтанинг душанбасидан бери очлик эълон қилишни давом эттирмоқда.***



«The News York Times» газетаси хабар қилишича, улар талабига яна 8 та қамоқхона маҳбуслари ҳам қўшилди. Маҳбуслар қамоқхона шароити яхшиланишини талаб қилмоқдалар.

Мазкур штат қамоқхоналаридаги маҳбусларнинг бундай норозилиги бу йил иккинчи марта қайд этилиши, дейилади газета хабарида. Июль ойида ҳам 6,5 минг нафар маҳбус мазкур муассасаларда шароит яхшиланишини талаб қилиб, уч ҳафта давомида очлик эълон қилган эди. Ўшанда муассасалар раҳбарлари маҳбуслар талабини қондиришга ваъда берганди, аммо белгиланган икки ойлик муддатда жуда кам ўзгаришлар қилинди. Жумладан, маҳбусларга жисмоний машғулотларда қатнашиши учун кийимлар тарқатилди, рангли қаламлар билан таъминланди. Аммо бу каби енгилликлар маҳбусларга камлик қилмоқда. Улар июль ойидаги талабномалардан яна бирини илгари сурмоқдалар: қамоқхоналарда «анъана»га айланган белгиланмаган муддатга «карцер»га тиқиш чораси бекор қилинишини талаб қилмоқдалар.

Газета хабарига кўра, июль ойидаги маҳбуслар норозилиги тинч йўл билан ўтганди. Аммо энди бундай бўлмаслиги мумкин. Негаки, ахлоқ тузатиш колониялари мутасаддилари тез кунда бу норозилик тўхтатилмаса, акция ташкилотчиларига нисбатан интизомий чоралар кўрилиши мумкинлиги ҳақида маҳбусларни огоҳлантирдилар.

## 6 кун давомида

### фақат баргларни еб тирик қолди

***Калифорниялик 67 ёшли Дэвид Лавау штат жанубида жойлашган Анжелес миллий ўрмон қўриқхонаси ҳудудидаги тоғ йўлида кетаётиб автоҳалокатга учради — қаршисидан келаётган автомобиль билан тўқнашиб кетди ва машинаси билан 60 метр жарликка қулади.***

Омади бор экан, тирик қолди. Фақат жарликдан тепага чиқишнинг иложини тополмади — жарлик жуда тикка ва чакалакзор эди, бақиришлари бесамар кетди — ҳеч ким эшитмади. Охир-оқибат тақдирга тан бериб, баргларни еб кун кўра бошлади. Яхшики, жарлик тубида жилға бор экан, ташналигини шу билан қондирди. Шу зайлда у 6 кун яшади.

Унинг қариндошлари Дэвидни уйда икки кун кутишди. Келавермагач, полицияга хабар беришди ва улар қидирувни бошлашди.

Полиция шу нарсани аниқладики, охирги марта Дэвид Лос-Анжелесдан 80 километр шимолдаги дўконда кредит картасини ишлатган экан. Шу боис қидирувни шу ҳудудда олиб боришди. 6 кун деганда Дэвидни топишди ва вертолёт ёрдамида жарликдан тортиб олишди.

Дэвиднинг машинаси билан тўқнашган иккинчи машина эгаси ўша заҳоти ҳаётдан кўз юмган экан.

Полиция ҳозир автоҳалокат сабабларини аниқламоқда.

Биз билган ва билмаган дунё

# Табиатнинг етти мўъжизаси

## номлари 2011 йилнинг 11 ноябрь куни эълон қилинади

**Инсон пайдо бўлгандан буён яратувчанлик, бунёдкорлик ишлари билан шуғулланиб келади. Унинг ақл-заковати, метин иродаси, ғайрат-шижоати оддий тупроқни муҳташам архитектура ёдгорлигига, тошни санъат асарига, қуруқ ёғочни ўймакорлик нақшларига, металлни азим ҳайкалларга айлантирган. Лекин ўтган асрларда рўй берган табиий офатлар — зилзилалар, тўфонлар, сув тошқинлари, уруш-жанжаллар уларнинг кўпчилигини вайрон қилган. Инсоният эса бу мўъжизаларнинг айримларини тиклаган, қолганлари эса тарих қатларида мангуга йўқолган.**



Бу борадаги изланишлар натижасида «Дунёнинг етти мўъжизаси» тузилган. Айниқса, милоддан икки аср илгари яшаб ўтган юнон меъмори Антипар Сидонский тузган етти мўъжиза замондошларига ҳам манзур бўлган. Ҳозирги кунда у «Дунёнинг қадимий етти мўъжизаси» сифатида эътироф этилади. Улар — Миср эҳромлари, Семирамида осма боғи, Артемида ибодатхонаси, Зевс ҳайкали, Мавсол мақбараси, Қуёш маъбуди (Гелиос) ҳайкали, Александрия (Форос) маёғи.

Афғонистонда кечган ва ҳалиҳамон давом этаётган урушлар туфайли 2001 йилнинг март ойида толибонлар томонидан Бомиён водийсидаги 2000 йилдан зиёд тарихга эга улкан будда ҳайкалларининг портлатиб юборилиши канадалик кинематограф ва музей куратори Бернард Вебер қалбини ларзага солди. У «Жаҳон маданий меросини асранг!» шиори остида интернетда овоз бериш йўли билан «Дунёнинг янги етти мўъжизаси»ни аниқлашни таклиф этди.

Бу ғоя кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўлими (ЮНЕСКО) мутахассислари ҳам хайрихоҳлик билдиришди. Таклиф-мулоҳазалардан кейин дунёнинг 77 та иншооти номи овоз бериш учун қўйилди. 2005 йил охирида берилган овозлар сони ва мутахассислар таклифлари асосида рўйхатда 21 та иншоот қолдирилди (Миср ҳукумати таклифига биноан Миср эҳромлари рўйхатга киритилмади). Бир ярим йил давомида жаҳондаги 100 миллиондан ортиқ киши махсус очилган интернет сайтида «Дунёнинг янги етти мўъжизаси» учун овоз беришди. Овоз бериш натижалари 2007 йил 7 июль куни Португалиянинг Лиссабон шаҳридаги 50 минг кишидан зиёд томошабин тўпланган стадионда тантанали равишда эълон қилинди. Улар — Буюк Хитой девори, Рио-де-Жанейродаги Исо Масиҳ ҳайкали, Ал-Батри (Петра) тош шаҳри, Мачу-Пикчудаги инкларнинг тош шаҳри, Чичен-Итцадаги майялар ибодатхонаси, Рим коллизейи, Ҳиндистондаги Тожмаҳал!

Дунёда инсоният яратган мўъжизалардан ташқари табиатнинг бетимсол мўъжизалари ҳам қалбимизда ҳайрат уйғотиб, кўзларимизни яшнатиб турибди. Афсуски, бу мўъжизалар ҳам табиий офатлар ва инсонларнинг билиб-билмай қилган таъсири натижасида асл ҳолини ўзгартирмоқда, вайрон этилмоқда. Шу боис «Дунёнинг янги етти мўъжизаси»ни аниқлаган ташкилотчилар одамзод атроф-муҳитдаги гўзалликлардан ҳайратланиши ва уларни авайлаб-асраш мақсадида оёққа туриши учун «Табиатнинг етти мўъжизаси»ни аниқлаш керак деган хулосага келди.

Хайрли ишини давом эттирган Швейцариянинг «New7Wonderss» жамғармаси 2007 йил декабрь ойида махсус сайт очиб, дунё аҳолисидан интернет орқали табиатнинг етти мўъжизаси бўйича таклиф-мулоҳазаларини билдиришини сўради. 2009 йил 7 июлгача давом этган сўровда 200 дан зиёд мамлакатдаги миллионлаб кишилар қатнашиб, 259 та жойни табиатнинг етти мўъжизаси қаторига киришга муносиб дея овоз беришди. ЮНЕСКОнинг собиқ бош директори, профессор Федерико Майор бошчилигидаги экспертлар гуруҳи 21 июль куни энг кўп овоз олган 77 та жойдан 28 тасини танлаб олиб, дунё аҳолисидан шу жойлардан бирига овоз беришларини сўраб мурожаат қилишди. Овоз бериш жараёнида дунёнинг миллионлаб кишилари иштирок этишмоқда. Табиатнинг етти мўъжизаси номларини ташкилотчилар шу йил 11 ноябрь куни эълон қилишни режалаштирган.

**Табиатнинг етти мўъжизаси қаторидан ўрин олиш учун қўйилган дунёдаги 28 та жой билан танишинг.**



**Осиёдан:** Юшан тоғи (Хитой Тайбэйи), Жейтик қоятошлари (Ливан), Озарбойжон шифобахш вулқонлари, Халонг қўлтиғи (Въетнам), Мальдив ороллари, Мадҳупур ва Сундарбон ўрмонзорлари (Бангладеш, Ҳиндистон), Ўлик денгиз (Исроил), Комодо миллий боғи (Индонезия), Чежудо ороли (Жанубий Корея), Бу-Тин ороли (Бирлашган Араб Республикаси), Пуэрто Принцесса боғи (Филиппин).

**Океаниядан:** Катта тўсиқ рифи (Австралия, Янги Папуа), Саунд фъорди (Янги Зеландия), Улуру қирғоқ қоятошлари (Австралия).

**Европадан:** Везувий вулқони (Италия), Маттерхорн тоғи (Италия, Швейцария), Мазур ороллари (Польша), Мохер қоятошлари (Ирландия), Шварцвальд ўрмони (Германия).

**Африкадан:** Курсисимон тоғ (инглизчада — Table Mountain, Жанубий Африка Республикаси), Килиманжаро тоғи (Танзания).

**Шимолий Америкадан:** Гранд-Каньон миллий боғи (АҚШ), Фанди қўлтиғи (Канада), Эл-Юнке тропик ўрмони (Пуэрто-Рико).

**Жанубий Америкадан:** Амазонка дарёси ва ўрмони, Анхель шаршараси (Венесуэла), Игуасу шаршараси (Аргентина, Бразилия), Галапагос ороли (Эквадор).

**Асрор МЎМИН**

Спорт

# Лондон олимпиадасига 4 та, ярим финалга 2 та йўлланма



**Бокуда ўтаётган жаҳон чемпионатида икки нафар боксчимиз — Жасурбек Латипов ва Элшод Расулов ярим финалга чиқди.**

Эслатиб ўтамиз, дастлабки босқичда икки нафар ҳамюртимиз мағлубиятга учради. Ўз вазн тоифасида кетма-кет иккита ғалабага эришган Санжар Раҳмонов (64 кг) чорак финал йўлланмаси учун кечган баҳсда озарбойжонлик Гайбатилла Гажиалиевга очколар (13:15) ҳисобида ютқазиб қўйди. Шунингдек, яна бир боксчимиз Шаҳобиддин Зоиров (49 кг) иккинчи учрашувда франциялик Жереми Бессуга икки очко фарқи (19:21) билан имкониятни бой берди.

Мусобақа низомига кўра, 90 ва +91 кг вазн тоифасидан ташқари, барча тоифада чорак финалчилар келаси йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларига йўлланмани қўлга киритишади. Бундай муваффақиятга терма жамоамиз аъзоларидан биринчи бўлиб Жасурбек Латипов (52 кг) эришди. Илк учрашувда у жазоирлик Самир Брахимини енгганди. Кейинги босқичларда Жасурбек белоруссиялик Иван Финуренка, швециялик Саломо Н’Тувини катта фарқ билан мағлубиятга учратди ва чорак финалга йўлланма олди.

Ҳамюртимиз чорак финалда италиялик Венсензо Рекардини енгиб, ярим финалга чиқди.

Лондон олимпиадасининг иккинчи йўлланмаси иқтидорли боксчимиз Орзубек Шоимов(56 кг)га тегишли бўлди. Биринчи учрашувда украиналик Микола Бутценкони мусобақадан чиқариб юборган вакилимиз кейинги баҳсларда венесуэлалик Ангел Родригес, молдовалик Вячеслав Гожанни доғда қолдирди. Чорак финалда эса Орзубек ирландиялик Жон Невинга кичик ҳисобда имкониятни бой берди — 17:19.

Терма жамоамизнинг умидли боксчиларидан бири Фазлиддин Ғойибназаров (60 кг) аввалига хитой-тайбэйилик Као Чих Юанни мағлубиятга учратган эди. Ҳамюртимиз Доминикан Республикаси вакили Велингтон Ариас, германиялик Эйген Бурхардни ҳам мусобақадан чиқариб юборди. Чорак финалда Фазлиддин имкониятни бой бериб қўйди.

Қўқон бокс мактаби тарбияланувчиси Элшод Расулов (81 кг)дан мураббийларимизнинг умиди катта. Кетма-кет икки учрашувни ўз фойдасига ҳал қилган ҳамюртимиз чорак финал йўлланмаси учун кечган баҳсда бразилиялик Ямагучи Фалкаони енгди. Чорак финалда эса эронлик Эҳсон Роузбаҳони 15:7 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Жаҳон чемпионатида 90 ва +91 кг вазн тоифаларида баҳс юритган Мирзоҳид Абдуллаев (90 кг) ҳамда Сардор Абдуллаев (+91 кг)дан иккинчи босқичда омад юз ўгирди.

Биз жаҳон чемпионати медаллари учун курашни давом эттираётган боксчиларимизга омад тилаймиз.

**Эркин ХОЛБОБО**

# «Насаф» — «Ал-Виҳдат» — 1:0

***ОФК кубоги ярим финалининг дастлабки учрашувида қаршилик футболчилар кичик ҳисобда ғалаба қозонишди.***



**Ўзбек футболи тарихида илк маротаба Осиё футбол конфедерацияси кубоги ярим финалига йўлланмани қўлга киритган Қаршининг «Насаф» жамоаси Иорданиянинг «Ал-Виҳдат» футболчилари билан куч синашди. Учрашув соат 19.00 да бошланиши белгиланганди. Аммо об-ҳаво ноқулайлиги ўйиннинг кўзда тутилган вақтдан 42 дақиқа кеч бошланишига сабаб бўлди.**

Ўйин кутилганидек анча шиддатли ва курашларга бой бўлди. Унда биринчи бўлимнинг сўнгги дақиқаларида Жаҳонгир Жиямуродовнинг пенальтидан киритган ягона голи мезбонларга муҳим ғалабани туҳфа этди.

Ярим финалнинг иккинчи ўйинида Ироқнинг «Арбил» ҳамда Қувайтнинг «Қувайт СК» футболчилари майдонга тушди. Сафарда тўп суришларига қарамай, қувайтликлар рақиблари дарвозасига жавобсиз икки тўп киритишди.

Энди жавоб учрашувлари 18 октябрь куни бўлиб ўтади. Шу куни «Насаф» Амман шаҳрида «Ал-Виҳдат» жамоаси меҳмони бўлади. Финалга йўлланма олишлари учун «Насаф» футболчилари сафардаги учрашувда камида дуранг натижа қайд этишлари керак.

Орамиздаги одамлар

# Жасорат соҳиби

**Ватан — онадек азиз, жондек ардоқли. Бу муқаддас туйғуни улуғлаган инсон асло кам бўлмайди. Қаҳрамонимиз — Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Қодиржон Аҳмедов ҳам юрт учун хизмат қилиб эъзоз топганлардан. У Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Президентимиз Фармони билан «Жасорат» медалига сазовор бўлди.**

— Хушхабарнинг қаноти бор, деганлари рост экан. Мукофот ҳақидаги хабарни эшитиб, гапнинг очиғи, аввалига ишонмадим. Улуғ шодиёна арафасида «Жасорат» медали билан тақдирланишим мен учун кутилмаган воқеа бўлди, бошим осмонга етди. Мукофотдан, айниқса, ўзим туғилиб ўсган Қўрғонтепа тумани аҳолиси чексиз қувонди. Уларнинг табрик қўнғироқлари мени тўлқинлантириб юборди, — дейди Қодиржон Аҳмедов.

35 ёшни қаршилаган Қодиржон оилада тўрт ўғилнинг учинчиси. Оддий хонадонда улғайган йигит ўқувчилик йиллари дастлаб тасвирий санъатга, сўнгра дурадгорликка қизиқди. Ҳарбий хизматни ўтаётганида Тошкент олий ҳарбий-техник билим юртидаги офицер ва курсантларга ҳавас қилиб, ички ишлар ходими бўлишга аҳд қилди. Ҳарбий хизматни тугатгач, Тошкент олий ҳарбий-техник билим юртига ўқишга кирди. Унинг бу ерда олган билимлари бесамар кетмади. Малакали устозларининг ўгити билан Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш бўлимига тезкор вакил бўлиб ишга жойлашди. Хизмат жараёнида машаққатлардан чекинмади, ўз ишининг сир-асрорларини кунт билан ўрганди. 2002 йилга келиб, жазони ижро этиш бошқармаси тезкор бўлимида фаолиятини давом эттирди. Тиниб-тинчимаслиги, ҳалол хизмати туфайли жамоада обрў-эътибор топди.

Натижада Қодиржон Аҳмедов ИИВ жазони ижро этиш бош бошқармасига ишга таклиф этилди. Ҳозир у мазкур бошқармада бўлим бошлиғи лавозимида хизмат қилмоқда. У жиноятчиликка қарши курашда бутун билими, куч-ғайратини сафарбар этмоқда.

Қодиржон туғилиб ўсган оилада ички ишлар ходими ёлғиз у эмас. Акаси Собиржон Аҳмедов узоқ йиллар шу тизимда хизмат қилган, айни вақтда истеъфода. Укаси Музаффаржон Андижон вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимида инспектор.

Қодиржон ишда қатъийликни, тартиб-интизомни ёқтиради. Ишда қанча талабчан бўлмасин, бошқа вақт шунчалик меҳрибон ва оилапарвар инсон.

— Қодир акам фарзандларини жуда севадилар. Уларнинг тарбиясига алоҳида эътибор беради. Қизимиз Одина 4-синфда ўқийди. Унинг дарсларини мунтазам назорат қилиб боради, — дейди турмуш ўртоғи Матлубахон. — Ўғлимиз Ботиржон уч ёшда. Дадасининг ишдан қайтиши у учун байрам.

Элу юртга муҳаббатли, садоқатли кишининг жамиятда ўз ўрни ва ҳурмати бўлади. Буни Қодиржон Аҳмедов ҳаёти мисолида яққол кўриш мумкин.

**Зебо ОМОНОВА**

# Янги корхона ишга тушди

**Қўқон шаҳрида енгил автомобиллар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқарадиган «Автосаноат компонент» масъулияти чекланган жамият фаолият бошлади. Айни пайтда мазкур корхонада буюртма асосида «Спарк» автомобили учун 39 турдаги бутловчи қисмлар тайёрланмоқда.**

Мамлакатимизда маҳаллийлаштириш дастури асосида маҳаллий хомашёдан рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турлари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Фарғона вилоятида ҳам бу дастурга мувофиқ жорий йилнинг ўтган олти ойида 83,1 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Қўқон шаҳрида ишга тушган «Автосаноат компонент» корхонаси йилига 45 минг комплект деталлар тайёрлаш қувватига эга. Унинг фаолият бошлаши юз нафардан ортиқ ёшларни доимий иш билан таъминлаш имконини берди.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# «SANO MED SERVIS» ташхис қўйиб даволайди

**Балиқчи туманида «SANO MED SERVIS» тиббиёт маркази биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Марказда бир кунда 50 кишига ташхис қўйиш ва даволаш ишлари олиб борилади.**

Бунинг учун марказ директори, тажрибали терапевт Иброҳимжон Хўжамов, қўли енгил шифокор-жарроҳ Ботиржон Бултуров каби 9 нафар тиббий ходим хизмат қилади. Замонавий тиббиёт аппаратлари, лаборатория ҳамда доривор балчиқ, физиотерапия, массаж беморларга аниқ ташхис қўйишда ва тез шифо топишида ёрдам бераяпти.

— Келгусида 8 нафар бемор шу ерда ётиб даволаниши учун алоҳида хоналарни жиҳозлаяпмиз, — дейди марказ директори Иброҳимжон Хўжамов. — Мақсадимиз — юртдошларимизга кўнгилдагидек тиббий кўмак кўрсатишдир.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**ОБ-ҲАВО 06-07.10. 2011**

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 18°C | 20°C |
| Самарқанд | 18°C | 23°C |
| Нукус | 15°C | 20°C |
| Қарши | 20°C | 25°C |
| Урганч | 15°C | 20°C |
| Навоий | 18°C | 23°C |
| Фарғона | 17°C | 22°C |
| Бухоро | 18°C | 23°C |
| Андижон | 17°C | 22°C |
| Наманган | 17°C | 22°C |
| Термиз | 20°C | 25°C |
| Жиззах | 18°C | 23°C |
| Гулистон | 18°C | 23°C |
| Тошкент вил. | 18°C | 23°C |
| Лондон | 15°C | 14°C |
| Париж | 22°C | 18°C |
| Москва | 12°C | 16°C |
| Мадрид | 30°C | 24°C |
| Пекин | 25°C | 24°C |
| Гонгконг | 26°C | 28°C |
| Рим | 25°C | 25°C |
| Анқара | 25°C | 26°C |
| Токио | 24°C | 23°C |
| Стокгольм | 13°C | 12°C |
| Кейптаун | 17°C | 21°C |
| Қоҳира | 25°C | 30°C |
| Гавана | 28°C | 29°C |
| Вашингтон | 20°C | 21°C |

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY’ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G‘ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug‘bek MUSTAFOYEV, Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari), G‘affor HOTAMOV (Bosh muharrir o‘rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO‘LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ‘ibot — 233-12-56;
Reklama va e’lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1046
10228 nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00
O‘zA yakuni — 22.00
Topshirilgan vaqti — 00.20

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Asror MO`MINOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG‘ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5